

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
QARSHI MUHANDISLIK IQTISODIYOT INSTITUTI

**Sanoat texnologiyasi fakulteti 5523800-Texnologik jarayonlar va islab chiqarishni
avtomatlashtirish (tarmoqlar bo'yicha) bakalavr**

ta'lim yo'nalishi talabasi **Alixonov Yunus Geldiyevichning**

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**Mavzu: Kimyo – texnologik jarayonlarni adaptiv boshqarish
sistemalari sintezida prognozlash usullarini qo'llash**

Rahbar:

Imzo

katta o'qituvchi R.S. Usmonova

ilmiy unvoni, F.I.SH.

Ishni bajaruvchi:

Imzo

Yu.G. Alixonov

F.I.SH.

«Ximoyaga ruxsat etildi»

«Ximoya uchun DAK ga yuborildi»

Kafedra mudiri:

_____ **dots. A. R. Mallayev**
Imzo ilmiy unvoni, F.I.SH.

Fakultet dekani v.b.:

_____ **R. Yu. Aliqulov**
Imzo ilmiy unvoni, F.I.SH.

«_____» _____ 2014 y.

«_____» _____ 2014 y.

Qarshi 2014 yil

Мундарижа

Кириш	3
1–боб. Кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни тезкор бошқаришда башоратлаш муаммоларининг замонавий ҳолати	7
1.1. Кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни автоматик бошқариш ва автоматлаштиришнинг хусусиятлари	7
1.2. Башоратлашнинг мавжуд усулларини қиёсий таҳлили	10
1.3. Чизиқли фильтрация ва башоратлаш масалалари	13
1.4. Башоратли баҳолашнинг сифат мезонлари	18
1.5. Мавзуда ёритилишини лозим бўлган мақсадни асослаш	21
2–боб. Динамик фильтрациялаш процедураси асосидаги башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш ва тадқиқоти	22
2.1. Башорат қилинувчи филтрлаш усули	22
2.2. Кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни математик моделининг априорли беқарор шароитида квазиоптималли башорат қилинувчи филтрлар синтези	24
2.3. Оператив-диспетчерлик бошқаруви тизимларининг ахборот таъминотини ташкил этиш	29
2.4. Бошқарув ва оператив назорат масаларини ечиш	33
2.5. Оператив-бошқарув автоматлашган тизимларининг ахборот таъминотини ташкил этиш	38
Хулоса	43
Адабиётлар	44

КИРИШ

БМИнинг долзарблиги. Замонавий бошқарув тизими параметрик, аддитив ва мультипликатив характерларнинг ички ва ташқи норозилик таъсирли шароитида ишламоқда. Бошқарувнинг асосий масалаларини қуйидаги бешта синфга бўлиш мумкин: детерминациялашган бошқарув масалалари; масалани баҳолаш; эҳтимоллик бошқарув; тавсифномаларни аниқлаш (идентификация) масалалари, адаптив (мослашувчан) масалалари.

Улар ичида **тасодифий сигналлар** алоҳида ўрин тутиб, оптимал баҳолаш ва детерминлашган бошқарувнинг яқдил қарорлари тасодифий таъсирлар шароитидаги оптимал бошқарув имконини беради. Кўрсатиб ўтилган масалаларни ечишнинг йўллари декомпозициянинг маълум принципида “баҳолаш ва детерминлашган бошқарувнинг кетма–кет бирикмали оптимал тузилмаларида оптимал регулятор (ростловчи)” сифатида таништирилади. Декомпозиция принципи баҳолаш ва бошқарувни танлаб олинган мезонлар бўйича бир–бирида мутсақил равишда оптималлаштиришнинг турли усулларида фойдаланиб оптималлаштириш имконини беради.

Кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни бошқаришнинг адаптив тизимини куришда динамик фильтрация процедуралари асосида башоратлаш усулларида қўлланилиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Тасодифий таъсирлар таъсири остида жойлашган объектларни бошқариш оптимал (кулай) тизимлари синтези ҳам баҳолаш масалаларини олдиндан ечишга асосланган.

Динамик тизимларни баҳолаш замонавий назарияси экстрополяция усуллари ва интерполяцияли силлиқлаш (яқинлаштириш) математик атамаларида шаклланади. Барча бу усулларда бошланғич ахборотлар ечимни танлашни аниқлаб бериб, фойдали (детерминлашган ёки тасодифий) сигнал ва тасодифий ҳалақит берувчилардан вужудга келиб қарор (ечим)нинг сифатини пасайишига таъсир этади.

Худди мана шу силлиқлаш (яқинлаштириш, текислаш), интерполяция ва огоҳлантириш масалалари ҳамда уларнинг турли хабарлари оптимал бошқарув назариясида ҳам бошланғич математик формулировкани сақлаган ҳолда қўлланилади.

Конкрет физикавий мазмунни ҳисобга олиб, кўрастиб ўтилган баҳолашнинг муаммоларида башоратлаш (огоҳлантириш), филтрлаш ва интерполяция масалаларидаги сингари маълумдир.

ЭХМ дан бошқарувнинг такомиллашган тизимларини амалга оширишнинг ташкил этувчи техник базаси сифатида фойдаланиш уларнинг фаолият кўрсатишидаги самарали алгоритмларни олишга имкон беради.

Математик моделлар ёрдамида формаллашиш жараёнлари учун уларнинг келажакдаги ҳолатини олдиндан айтиш башорат қилишнинг маълум усуллари асосида амалга оширилади. Бироқ масала, яъни олдиндан айтиш, агарки технологик ажараён кўп босқичли бўлиб, ностациялиар ва эҳтимоллик бўлгандагина сезиларли қийинлашади.

ТЖАБТ (АСУТП) нинг кенг қўламли синфлари таҳлили кимёвий, озик–овқат ва аралаш ишлаб чиқаришларда гувоҳлик беришча, технологик тизимларининг самарадорлигини пасайтириш ёки пировард маҳсулотни ўрнатиш ва сифати ёки ярим маҳсулотларда оператив (қисқа муддатли) башоратлашнинг паст ишончилигидан далолат беради.

БМИнинг объекти ва предмети. *Тадқиқот объекти* бўлиб, аммофосли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг мураккаб кимёвий–технологик жараёнлари ҳисобланади. *Тақиқот предмети* – кимёвий–технологик тизимларининг боришини қисқа муддатли тезкор (оператив) башоратлаш жараёнлари.

Тадқиқот усуллари. Ишда олдинга қўйилган масалаларни ечиш учун эҳтимоллар назарияси аппарати, математик статистика, бошқарув назарияси, идентификация ва оптимал статистик баҳолаш назариясидан фойдаланилган.

БМИ мақсади бўлиб кимёвий–технологик жараёнларни бошқариш ва баҳолашнинг адаптив тизимларини куришда динамик филтрлашнинг усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишда иборатдир.

Олдинга қўйилган мақсадга эришишда қуйидаги тадқиқот масалари ечимини топиш зарур:

- кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни оператив бошқариш масалаларида башоратлашнинг назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлили;
- дискретли башорат қилиш филътрини корреляцияли синтези;
- дискретли башорат қилиш филътрининг ахборотли хоссасини таҳлили;
- кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларнинг априорли беқарор математик моделлари шароитида квазиоптимал филътрлар синтези;
- кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимлари математик моделарининг ноаниқлиги;
- объектлар модели параметрларининг априорли ноаниқлик ҳолати учун калман типдаги квазиоптимал башоратлаш филътрининг умумлашма шакллариининг ҳулосаси;
- ишлаб чиқилган алгоритмларни экспериментал (тажрибавий) тадқиқ қилиш;
- кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларининг асосий параметрларини бошқариш ва баҳолашнинг адаптив тизимларини амалга ошириш;
- калман филътрлаш усулида бевосита ўлчаш интерпретациясининг масаларини ечиш.

- **БМИ амалий аҳамияти.** Кетма–кетли динамик филътрлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларнинг режимли параметрларини тезкор башоратлаш ҳисобига автоматик ва автоматлашган назорат ва бошқарувнинг самарасини оширади ва зарур бўлмаган рад этишларни бартараф этишдан иборат бўлади. Улар башоратли баҳолаш, умумлашган дисперсиянинг мезонлари бўйича генерация (тўплаш)ни таъминлайди. Квазиоптимал олдиндан айтиш объектнинг охириги (пировард) чизикли моделини билишда априор беқарорлик шароитида бирмунча афзал кўрилади.

Тавсия этилаётган усуллар ва алгоритмлар кимёвий ва аралаш ишлаб чиқаришларда ТЖАБТ (АСУТП) ни яратишдаги харажатларни иммитациялаш мақсадидаги дастурий тузилмаларни қуришнинг модулли принципини амалга оширишда типик математик ва дастурий таъминотга кириш учун асос яратиб беради ҳамда сўнггиларининг фуинкциялиаллигини янада чуқурлаштиради.

БМИ доирасида нефтни бирламчи қайта ишлаш технологик жараёнларини бошқаришнинг адаптив тизимларини амалга ошириш шароитида амалий қўллаш учун ҳисоблаб чиқиладиган процедураларни топишнинг алгоритмлари ва усуллари ишлаб чиқилган. Улар спектрофотометрик ўлчаш апартураларининг аниқлигини ошириш масалаларини ечишда ҳамма самаралидир.

БМИнинг натижаларидан олий таълимда ўқув жараёнларида кенг фойдланиш мумкин.

БМИ иши кириш, 2 та боб, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, техник-иқтисодий ҳисоб, атроф-муҳит муҳофазаси, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб таҳлилий хусусиятга эга бўлиб, унда кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни тезкор бошқарув масаларида башоратлаш муаммоларининг назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати таҳлил этиб берилган. Объектларнинг ажратилган синфларини автоматик ва автоматлашган бошқаришнинг асосий хусусиятлари акс эттирилган.

Танқидий нуқтаи–назардан башоратлашнинг амалдаги усуларининг қиёсий таҳлиллари бажарилган. Башоратли баҳолаш сифатини ошириш усуллари кўриб чиқилган. Корректив кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни бошқариш ва адаптив ўлчашнинг тизимларини амалга ошириш масалалари талқин қилинган. Тадқиқот ишининг асосий масаласининг мазмуний ҳолати берилиб, асосий мақсадига аниқлик киритилган ва асосланганлиги етарли бажарилган.

Иккинчи бобда кетма–кет динамик филътрлаш процедураси асосида башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш масалалари келтирилган. Дискретли башоратлаш филътрациясининг корреляцияли синтези ва сўнггисининг ахборот хоссалари тадқиқоти берилган. Кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларнинг априор беқарор математик моделлари шароитида квазиоптимал башораланувчи филътрлаш синтезланган.

1–БОБ. КИМЁВИЙ–ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ВА ТИЗИМЛАРНИ ТЕЗКОР БОШҚАРИШДА БАШОРАТЛАШ МУАММОЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

1.1. Кимёвий–технологик жараёнлар ва тизимларни автоматик бошқариш ва автоматлаштиришнинг хусусиятлари

Сўнгги ўн йилликларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши маҳсулотларнинг мураккаблиги ва номенклатураси оша бориб, алоҳида участкаларнинг қувватлари ўсди, технологик жараёнлар интенсивлашиб, участкалар, цехлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро алоқалар қийинлашиб боришида кўзатишмоқда.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни самарали фаолият кўрсатишида нафақат такомиллашган технологияларга, балки бошқарув тизимининг тўхтовсиз яхшиланиб боришига ҳам эга бўлиш зарур. Замонавий ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва БАТ (АСУ) ни ишлаб чиқиш шароитида бошқарув ва моделлаштиришнинг универсал усулларига, масалалар синфларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни ТЖАБТ (АСУТП) да ҳал этишга томон ўтилаяпти.

Кимёвий–технологик жараёнлар кўп босқичлилиги, катта миқдордаги ўзаро боғлиқ параметрлари, муҳитнинг агрессивлиги ва технологик режимларга турли таъсирлар, объект бошқарувининг мураккаб динамик ҳолати билан изоҳланади.


Кимёвий ишлаб чиқаришни юқори иқтисодий самарадорликда бошқарилишини таъминлаш мақсадида БАТ (АСУ) билан ТЖАБТ (АСУТП)ни бошқариш ташкилий–технологик типининг ягона интеграциялашган тизими (БТТТ ЯИТ)га бирлашиб кетиши содир бўлмоқда. БАТ (АСУ ОТ) ёрдамида кимёвий–технологик корхоналарни бошқаришнинг умумий иерархиясида, функциялиал, ахборот, дастурий–техник ва ташкилий интеграцияли вазибаларни бажариб тезкор–диспетчерлик бошқарувининг автоматлашган тизими (ТДБАТ) муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. Айнан, ТДБАТ мураккаб кимёвий–технологик жараёнлар (КТЖ)нинг тезкор бошқарувини таъминлаб, юқори технологик бошқарувни ҳал этади, қарорлар қабул қилувчи шахс (ҚҚШ) башоратланган ахборотга асосланиб таъсирэтувчи бошқарувни самарали амалга ошириш имконига эга бўлади.

Кимёвий ишлаб чиқаришнинг ТДБАТ ни йириклаштирилган тузилмаси расм–1.1.да келтирилган. Ушбу мажмуа иккита мини ЭҲМ дан ва битта телемеханик тизим (ТМТ) дан ҳамда ҳар бир агрегатни бошқарувчи автоматик боқариш (БАБ)нинг локал тизимидан иборат бўлиб, ЭҲМ лар ўртасидаги ахборот лмашмнувини амалга оширувчи ТМТ комплекс аппаратуралари ва терминаллари йўққа чиқарадиган алоқа канали (маълумотлар магистралли) қўлланилади. Шундай қилиб, мавжуд ТДБАТ тақсимланган ахборот тизимини акс эттиради. Унда ахборот рақамли шаклда айланиб туради.

Тизим тезкор назорат, ҳисоблаш, башорат қилиш ва бошқарув масалаларини ҳал этиб, таъсир этувчилар ўртасидаги ўртача оралик масоқа режали даврникидан кам бўлади.

Масаларнинг бошқа синфи ишлаб чиқаришнинг техник–иқтисодий кўрсаткичлари (ТИК) ҳисоб–китоби, ускуналар ишининг ҳисоби, жорий ишлаб чиқариш қувватлари б.к. ҳисоб–китоблар масалаларини ташкил қилади. Бу масалаларни ечишдаги ахборотлар бевосита датчиклардан етказиб турилади. Кўрсаткичларни олиш ва уларни кейинги қайта ишланиши реал вақт миқёси (масштаби)да бажарилади.

Тизимнинг математик таъминоти алгоритмлар мажмуаси ва филтрлаш дастурини, чиқувчи сигналлар датчигининг реал вақтдаги жорий баҳоловчи параметрларининг қийматларини ва агрегатлашган ҳамда интеграциялашган сарфларнинг жорий қийматларининг сарф–параметрлари мавжуд қийматларини ҳисоблашнинг ҳақиқийлигини ва уларнинг кейинги қадамни башоратлашни ўз ичига олади.



Расм-1.1 Тезкор-диспетчерлик бошқарувининг автоматлашган тизимининг умумлашма тузилмаси.

Хизмат кўрсатувчи дастурий таъминот пульт диспетчери экранидаги зарур маълумотларни тезкор акс эттиришни таъминлаб кириш—чиқиш ҳамда технологик жараёнларнинг режимли параметрларини корретитировка қилиш (тузатиш)ни амалга оширади.

Кимёвий—технологик жараёнлар (КТЖ) ва кимёвий—технологик тизимлар (КТТ)ни мавжуд бошқариш тизимлари тезкор башоратлаш масалаларини ўта кучсиз тадбиқ этади ёки умуман йўқ бўлади.

Айрим ҳолларда, башорат бажарилганда уни оператор—диспетчер ўз шахсий тажрибаси ва ички сезгиси (интуицияси)га асосланиб амалга оширади ва бу қарор бошқарув қарорлари ичида ҳар доим ҳам тўғрилиги таъминланавермайди.

Худда шу вақтда ТДБАТ да ҳисоблаш техникасининг қўлланилишида бошқарув самарадорлигини оширувчи замонавий математик процедураларнинг амалга оширилиши таъминланади.

Умуман олганда ТДБАТ ўзида одам—машина тизимини акс эттириб, ҳозирги замон бошқаруви ўлчаш ва ҳисоблаш техникасининг воситаларидан ташқари яна бошқарувнинг вена тизими бўлган инсонни ҳам қамраб олади.

Бундай тизимларда жараён ишлаб чиқариш жараёнларини тезкор бошқариш оптимал (танланган мезонлар маъносида яхшироқ)лиги ўзаро ўйғунликдаги қуйидаги ўзвий боғланган босқичларни намоён этади [1, 2]:

- бошқарилаётган жараённинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни таҳлил ва синтез қилиш;
- одам—оператор томонидан бошқарув қарорларининг қабул қилиниши;
- қабул қилинган қарорни бажариш назорати ва яна ҳосил бўлган ишлаб чиқариш вазиятларининг таҳлили;

Иккинчи босқич кичик босқичларга бўлиниб кетади:

- қарорлар (бошқарувчи таъсирлар)нинг вариантлари генерацияси;
- қарорларнинг ҳар бир варианты оқибатларини башоратлаш;
- танланган мезонлар маъносида ҳар бир вариантнинг самарадорлигини баҳолаш;
- қарорларнинг бирмунча самарали вариантларини танлаш.

Автоматлаштирилган тизимларда умумий алгоритмларни оптимал ёки оптималга яқин (тизимнинг хатоликларини ҳисобга олган ҳолда) бошқарув таъсирларини башоратлаш масаларининг ечимларисиз тавсия этиш мумкин бўлмайди.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнига дестабил (номуқим) омиллар таъсир кўрсатади ва улар қуйидагилар:

- ўлчов приборларининг хатоликлари ва технологик жиҳозлар ва агрегатларшидаги оғишлар;
- ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик (брак)лар, ҳисоб ва назоратда хатолар;
- ускуналарнинг ишдан чиқиши;
- хом ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва б.қ. етказиб берилишидаги бузилишлар;
- маҳсулот ишлаб чиқаришдаги тезкор режаларнинг кўзда тутилмаган ўзгаришлари;
- ҳалокатлар турли хил ташкилий—техникавий носозликлар. Юқорида келтирилган омилларнинг ўйғунлашган ҳаракати ишлаб чиқариш тўғрисидаги ахборотларнинг катта қисми эҳтимоллик ва ишлаб чиқаришни бошқариш беқарор характердалигини касб этиб тўлиғинча стохастик (эҳтимолли) бўлади.

Стохастик жараёнлар детерминлашганларидан фарқли равишда, статистик (эҳтимоллик) моделларида тасвирланади. Кириш сигналлари ва жараённинг динамик хоссасининг статистик хусусиятлари маълум бўлса, бошқарув жараён и статистик маънода етарли даражада барқарор бўлади.

Амалиётда кириш сигналлари ва жараённинг динамик хоссалари ҳақидаги статистик ахборотлар кўпинча кириш сигналининг аниқлигини белгилаш учун етарли бўлмайди. Бу ҳолда ушбу БМИда ёритилган кимёвий—технологик жараёнлар ва тизимлари статистик

беқарорликда ўзига хос бўлади.

Натижада КТЖ ва КТТ нинг куйи даражалари бошқаруви тизимлари учун технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизими ТЖАБТ (АСУТП) ҳам ташқи таъсирлар, ҳам ички халақит қилувчилар тизимнинг алоҳида бўғинларида амалда тақсимот қонунини аниқ тақлиф қила олмайдилар. Шу билан бирга бошқарув сифатининг статистик мезонлари (аввало–аниқлик мезони) эҳтимоллик тавсифларининг ҳисобининг тўлиқ юритилишини зарурлигига, жараённинг ҳолати параметрларини ҳамда бошқарув тизимнинг мавжуд барча номувофиқлик параметрлари олиб келади.

Стохастик жараённинг математик моделининг умуми кўринишида башорат объекти ҳисобланиб, куйидаги кўринишда ёзилади

$$y = f(\bar{a}, \bar{x}) + \varphi(\bar{b}, \bar{x})\eta, \quad (1.1)$$

бу ерда, $f(\bar{a}, \bar{x})$ ва $\varphi(\bar{b}, \bar{x})$ – айрим детерминлашган функциялар;

$\bar{x}$ – айрим маълум параметрлар вектори, уларни ташкил этувчилардан бири вақт t ;

y – башоарт қилнувчи катталиқ;

$\bar{a}, \bar{b}$ – номаълум параметрлар вектори, аниқланишга тегишли бўлган;

η – нуллик математик эҳтимолликнинг таосдифий жараёни («оқ шовқин» бўлиши мумкин).

Бироқ ЭХМ нинг рақамли тизимларидаги узлуксиз жараёнлари дискретлашининг оқибати бошқарув контурида узлуксиз шаклда (1.1) умуман ноқулайдир. Амалий иловаларда дискрет стохастик жараён шакли бирмунча кўпроқ қўлланилади:

$$y_{i+1} = A_{i+1,i} \cdot Y_i + \eta_i, \quad (1.2)$$

бу ерда $A_{i+1,i}$ – ўтиш матрицаси, жараёнинг динамик хоссасини изоҳлайди;

η_i – аддитив халақит қилувчи.

Қисман бундай стохастик жараёнлар масаласининг амалий ечими экстрополяцияси муваффақияти Y_i жараёни фойдали компонентлари ва шовқин («сигнал–шовқин»)нинг мутаносиблигига боғлиқ.

Мураккаб кўп босқичли КТЖ ларни бошқаришга оид масаланинг умумий қўйилишини ҳосил қилсак, расм–1.2 даги келтирилган бошқарувнинг соддалштирилган тузилмавий схемасини кўриб чиқиш мумкин бўлади.


Бу ерда $P_1 - P_n$ – КТЖ босқичлари;

АБЛТ₁ – АБЛТ_n – автоматик бошқарувнинг локал тизимлари;

ЎБ – ўлчаш блоки ва КТЖ параметрлари назорати;

ОАҚ – ЭХМ нинг объектлар билан алоқа қурилмалари;

$W_1 - W_2$ – ташқи номувофиқликлар.



Расм-1.2. Мураккаб технологик жараён (ТЖ)ларни бошқаришнинг соддаштирилган тўзилмаси.

ЭХМ га юкланган алгоритмлар ва дастурлар, берилган ўлчамлар бўйича технологик жараённинг фактик ҳолатининг вақтнинг дескрет моментида етказилишидаги идентификацияси умумий ҳолдаги масаласини ечиб бериб, уни берилганлари билан таққослаб, бошқарилувчи таъсир остида хатоликларини топиш асосида бажаради.

Умумий ҳолатда самарали бошқрувни таъминлаш бошқарувдаги хатолар $\bar{\varepsilon}(t)$ ни турли хилдаги бошқарилувчи таъсирлар шароитида топишни ўз ичига олади:

$$\eta_n \in R, \quad i = \overline{1, m}. \quad (1.3)$$

Ҳар бир бошқарилувчи таъсирнинг амалага оширилиши $\bar{\eta}_i = \{\eta_i^1, \dots, \eta_i^m\}$ муайян турдаги ресурсларнинг сарф-харажатлари $\bar{C}_i = \{C_i^1, \dots, C_i^m\}$ (моддий, вақтли, меҳнат ва б.к.) билан боғлиқ бўлиб, айримларига чекловлар қуйидаги кўринишида бўлади:

$$\sum_{j=1}^n C^j \leq C^o, \quad (1.4)$$

бу ерда, C^o – ресурслар бошланғиқ катталиги, бошқарилувчи таъсирларни амалга оширишга ажратилдиган.

Бошқарув хатолигининг вектори (вектор рассогласования) тенг:

$$\bar{\varepsilon}(t) = \bar{g}(t) - \bar{x}(t), \quad (1.5)$$

где бу ерда $\bar{g}(t)$ – жараён идеал ҳолатининг вектори (мақсад вектори);

$\bar{x}(t)$ – жараён фактик (ҳақиқий) ҳолатининг вектори.

Функциялиал кўринишнинг кўриб чиқамиз:

$$Q[\bar{\varepsilon}(t)] = Q[\bar{g}(t) - \bar{x}(t)] = F(\bar{\eta}_i), \quad i = \overline{1, m}, \quad (1.6)$$

бу ерда Q – функциялиални белгиловчи функция.

У ҳолда бошқарувнинг мақсади шундай бошқарув $\bar{\eta}_i$ ни топишдан иборатки, у функциялиал хатоларининг минимал қиймати $\bar{\varepsilon}(t)$ ни (1.3), (1.4) да берилган чекловлар шоритида таъминлайди, яъни.

$$\min Q[\bar{g}(t) - \bar{x}(t)] = \min Q[\bar{\varepsilon}(t)]. \quad (1.7)$$

Бошқарув хатолигининг вектори қанчалик кичик бўлса, бошқарув самаралироқ бўлади (1.7).

Равшан бўлдики, мураккаб стохастик жараёнларни бошқаришда оператив башоратлашдан фойдаланиш, КТЖ ва КТТ ни кўриб чиқилишида намоён бўлувчи, берилган қийматларнинг режимли параметрларидан ихтиёрсиз оғишни тезкор баратараф этиб, бошқарувни “олдинга” силжитади ва функциялиалнинг аҳамиятини сезиларли равишда камайтиради (1.7).

Айнан бошқариладиган жараённинг жорий ҳолатини тезкор башорат қилиш бирмунча яхши (оптималь) бошқариш тактикасини танлашга ёрдам бериб, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажмининг оширилишини таъминлайди.

1.2. Башоратлашнинг мавжуд усуллари қиссий таҳлили.

Ҳозирги вақтда ватанимиз ва хориж адабиётларида башоратлаш муаммоларининг турли аспектларига кўпгина микдордаги ишлар бағишланган. Э. Янч маълумотларига кўра, масалан, хорижий амалиётда башоратлашнинг юздан ортиқ усуллари санаб ўтилган.

Жумладан, стациялиар тасодикий жараёнларнинг тавсифини башоарт қилиш назарияси А.Н.Колмогорова [3], Н.Винер [4], В.С.Пугачёв [5] ва б.к. нинг ишларида кенг кўриб чиқилган. Нотациялиар тасодикий жараёнларни башоратлаш масаларига бағишланган ишлар [5] ҳам маълумдир. А. Г. Ивахненко ва В. Г. Лапанинг илмий ишларида асосий эътибор башоратлаш масалаларини ечиш учун зарур бўладиган образларни таниб олишнинг кибернетик тизимларидан фойдаланишга қаратилган. Башоратлашнинг мавжуд математик усуллари тақомиллаштиришга бағишланган ишлар ҳам бор. Бунга, авваломбор Р. Браун

[8]нинг монографиясини киритиш мумкин бўлиб, унда экспоненциал силлиқлаш (яқинлаштириш, текислаш) масалалари кўриб чиқилган.

Сўнгги пайтларда бир қатор ишлар [6] яратилган бўлиб, улар фан–техника таракқиётини башоратлаш масалаларига бағишланган.

Башоратлаш усулларини тизимлаштириш ва баҳолаш муаммолари марказий аҳамият касб этиб, башоратлашнинг аниқ усулини қўллашнинг амалий тависьяномаси учун қиёсий таҳлил зарур этиб келтирилади ва унинг самараси ўлароқ асосий муаммо масаларни ечиш усулларининг таснифига бориб тақалади

Усулларнинг ҳар гуруҳига асосланувчи билимлар тизимининг хусусиятларини ҳисобга олиб, башоратлашнинг аниқ усулларини таснифлаш қуйидаги тартибда: эксперт баҳолаш усуллари; мантикий моделлаштириш усуллари; математик усуллар (экстраполяция, иқтисодий–математик моделлаштириш) ва норматив усул кабиларда йириклаштирилган ҳолда олингандир.

Шунга кўра, бу тансифлар билан биргаликда башоратлашнинг усуларини қуйидаги учта асосий гуруҳини ажратиш мумкин бўлади:

- экстраполяция;
- экспертлар сўрови (эксперт баҳолаш);
- математик моделлаштириш.

Экстраполяция усулининг моҳияти унинг фандаги ва техника соҳаларида вақтнинг маълум бўлагида башорат босқичларида вужудга келган қонуниятларини тарқалишидан иборат бўлади. Демак, экстраполяцияли башоратнинг динамик масаласи деб аталувчиси шундан иборатки, ретроспектив динамик қатор объектнинг ҳолатини намоён этиб, келажакка ҳуди шундай қонунда ўтган замонда каби олиб ўтилади. Ундан фарқли равишда экстраполяцияли башоратнинг статик масаласи башоратланаётган объектнинг вақт омилига нисбатан ўзгариши мумкинлигини кўриб чиқади.

Экстраполяцияли башорат усуллари илмий адабаиётларда [7] ва б.к. ишларда кенг ёритилган. Экстраполяцияли башоратнинг ўта муҳим масалаларидан бири бўлиб башоратланаётган асосий белги–аломатлари ва аниқловчи омилларини танлашдан иборат. Динамик топшириқлар доирасидаги масала, бош белгининг аниқловчи омиллари (корреляцияли таҳлил) билан статистик алоқларга эгаллиги масаласи билан алмашинади.

Экстраполяция усулининг қизиқарли модификацияларига эгри чизикнинг эгилиши ва экспоненциал силлиқлаш (яқинлаштириш) бўйича башоратлаш [8] даги кўриб ўтилган усулларда башорат тадқиқотлари циклидаги асосий ҳисоблаш усуллари билан боғлиқ ҳолда, «иқтисодий башорат» [9] деган умумий номда машҳур бўлган эди. Экстраполяция табиий бошқарилмайдиган жараёнларни башорат қилиш учун ишончли усул бўлади ва бўлиб қолаверади.

Мутахассисга мазкўр тадқиқ этилаётган объектнинг ривожланишига тегишли жараёнлар ёки ҳодисалар нинг эксперт баҳоланиш усули тўғрисидаги саволлар берилади. Башорат ҳақидаги муҳокама экспертларининг жавобларига мувофиқ келувчи ишланмалардан кейин ҳосил бўлади. Эксперт баҳолаш усули доирасида башоратлашнинг башорат қилишнинг статик ва динамик масалалари белгилаб олинади.

Улардан биринчисида объектнинг вақтга боғлиқ бўлмаган жараёнлари ва ҳодисаларига хос микдорий ёки сифат ўзгаришлари тўғрисидаги масалалар ҳал этилади. Иккинчи топшириқ ҳодиса содир бўлишининг вақт бўйича интервалларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Математик моделлаштириш усули келажакдаги ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнларини мақсадга мувофиқ абстрагирлашиши (тезлашиши)га асосланади. Моделнинг қуйидаги турларга фарқланади: мантикий, ахборотли ва математик, аналогли (ўхшаш), ўқийинли ва б.к. математик моделлаштириш усули бирмунча умумий бўлиб, шу билан бир қаторда башоратлашнинг етарли даражадаги қатъий усули ҳам ҳисобланади.

Математик моделлаштириш воситаларининг бирлашиб кетиши натижасида қизиқарли модификациялар олиниб, улар дастурий ва муҳандислик башоратлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

С.А.Саркисян [9] ишлари башоратлашда янги йўналишни белигилаб берди ва у муаллиф ҳамда кўплаб шогирдлари томонидан интенсив ривожлантирилмоқда. ЭХМ асосдаги математик моделлаштириш қатъий усули кейинги йилларда А.Г.Ивахненко [10]нинг ишларида ривожлантирилди. Бу концепцияга кўра, аргументларнинг гуруҳли ҳисоби усули (АГХУ)да узок муддатли башоратлаш ЭХМ да инсон иштирокисиз қайта ишланган (ўз–ўзини ташкиллаштириш принципида) экспрементал маълумотларни тўғридан–тўғри таҳлил қилиш асосида амалга ошириш зарур. Башоратлашнинг ишончилиги автоматик тарзда қониқтирувчи мезонлар тизими (мезонлар селекцияси) асосида баҳоланади. Ҳисоблаш машиналари орқали амалга ошириладиган ўз–ўзини ташкиллаштириш вазияти моделни куришда «башоратлаш шовқини»ни ҳам, башоратлаш натижаларининг интерпретациясини ҳам бекор қилади.

Башоратлаш усуларининг таснифланиши мавжуд усуллари назарийдан кўра кўпроқ амалий характер кааб этиб, улар қарийб конкрет ҳодиса ёки объектни башорат қилиш учун у ёки бу усулни нисбатан қўллашда тавсияларни бера олмайди. Усуллардан ҳар бири (уларнинг метрологик табиатининг хусусиятларига боғлиқ бўлмаган ҳолда) муайян чегараларда яроқли бўлиб, режалаштириш горизонти ва усулнинг аниқлигига боғлиқ бўлади. Белгилаб қўямизки, бу чегаралашларнинг кутловчи тсанифи кўрсатилмайди.

Шунга кўра, башоартлаш амалиёти таснифланиш олдида қуйидаги талабларни кўяди:

- у башорат қилинаётган объектга (ёки бир нечта объектларга) йўналтирилган бўлиши шарт;
- у албатта объектнинг сифат баҳолашини адекватлиги усулига таяниши керак;
- у аниқлик бўйича дифференциациялашган ва башоратлаш горизонтининг синф ва кичик синфларини ўзида сақлаши лозим.

Синфлар ва кичик синфларнинг ажратилиши нафақат башоратлашнинг индивидуал (яккалик) услларини баҳолашда, балки уларнинг кейинги синтези ва ягона мажмуага боғланиши учун ҳам муҳим саналади. Бундай таснифланишнинг борлиги башоратлашнинг усулларини текшириш аниқлигини ва объектга боғлашни зарур билмайди ва башоратлашнинг яратилажак кичик тизимларининг функциялашувини ўртача ва қисқа муддатли режимларини бекор қилади.

Башоратлашнинг мавжуд усуллари башорат қилинаётган объектнинг шарт–шароитлари ҳамда дастлабки ахборотларига қаттиқ талабларни билдирмайди. Шунинг учун улардан муваффақиятли фойдаланиш башоратлаш амалиётида дастлабки ахборотни чуқур таҳлил қилиш ва унинг корректли (аниқ) эканлигини таъминлашдан кейингина мумкин бўлади.

Башорат қилишнинг кичик тизимларининг математик аппарати қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- қўлланишдаги универсаллик;
- башоратланаётган кўрсаткичларга тизимли ёндошув принципини муваффақиятли амалга оширишда ҳамкорликда ҳаракат қилиш ;
- эконометрия, математик статистика ва макроиктисодий моделлаштириш усуллари ва ютуқларини ишга тушириш;
- башоратлашнинг изланувчан ва норматив учулларини амалга оширишга қобиллиги ҳамда башоратлаш усулларининг ҳар иккала ёндошувини қайтар алоқали итератив циклга бирлаштириш.;

Башоратлашнинг математик аппаратини қуйидаги турлар кўринишида тасаввур этамиз:

Математический аппарат прогнозирования можно представить в виде следующих этапов:

- тавсифланаётган объектда башоратнинг тасодикий турлари ҳамда регрессив ва корреляцияли усуллари ўртасидаги алоқа шакллари танлаш услугиётини ишлаб чиқиш;
- алоқа тенгламалари параметрларини ва тасодикий жараёни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш.;
- башоратланаётган аппаратнинг тренди функцияси ва уларнинг таректориялари модификацияларининг айрим усулларини ишлаб чиқиш;
- башоратланаётган аппаратнинг кўп сонли регрессиясини ишлаб чиқиш;

- ўзаро алоқадорликдаги тизим ҳосил этувчи, кўрсаткичларни узоқ муддатли башорат қилувчи тизимларни яратиш;
- башоратлашнинг махсус усуллари (ўлчаб кўрилган силлиқлаш (яқинлаштириш), тузилмавий башоратлаш, рекуррант эконометрик тенгламалар тизимлари ёрдамида башоратлаш, тасодифий жараёнларни экстраполяциялаш, эгилувчан эгри чизикли башоратлаш, атворегрессион усуллари)ни ишлаб чиқиш.

1.3. Чизикли филтрлаш ва башоратлаш масалалари

Минимал ўртача квадратли хатолика эга чизикли баҳолаш, (ёки чизикли филтрлаш) масаласи қуйидаги ҳолатда аниқ таърифлаш қуйидаги тартибда: берилган сигнални баҳолашнинг ўртача квадратли хатолигининг минималлаштирилган қийматини кейинги кузатувлар натижаларидан ҳам чиқили функция бўлиб ҳисобланиши учун баҳолашни топишдан иборат.

Тасодифий кетма–кетликдаги дискрет стациялиарларни филтрлаш масаласи биринчи марта А.Н.Коломогоров [11] томонидан 1939 йилда ҳал этилган ва таърифлаб ўтилган эди. Узлуксиз тасодифий жараёнлар учун чизикли филтрлашнинг масаласини яққол ечими топиш Н.Винер томонидан 1942 йилда топилган. А.Н.Коломогоров ва Н.Винернинг ишлари стациялиарли ва стациялиар–алоқали тасодифий сигналлар учун стациялиарли чизикли тизимлар синфида филтрнинг оптимал операторини аниқлаш имконини берди.

Бироқ, Н.Винер таърифи ностациялиар рекурсив баҳолаш ҳолати учун ноқулай бўлиб, баҳоланадиган сигнал чизикланадиган ночизикли тизимлар, оқ шовкин ўйғотувчилар ёки вақт бўйича алмашинувчан тузилмалар билан чизикли динамик тизимларнинг чиқиш сигналлари ҳам баҳоланишга тааллуқли бўлади.

Айнан бу йўналишда Калман ўз ишлари [12]да Н.Винернинг филтрлаш масаласини қўйилиши модификацияланиб, унга кўплаб замонавий физик иловаларда учровчи, макон ҳолатининг муаммоларини ифода этувчи таърифлар яқин шаклни беради. Бунда модификациялаш натижасида Калман филтри топилган.

Ҳолатни баҳолаш масаласи бу векторни ўлчаш натижаларига асосан тизимнинг ҳолат векторини бирмунча яхшироқ баҳолаш синтези масаласи деб кўри чиқилади. Бундай ифодалашбаҳолашнинг учта асосий типи ажратиб олинади. Агар $t < t_1$ дан кичик бўлса, баҳолаш интерполяция (ёки силлиқлаш,яқинлаштириш)) деб номланади. $t = t_1$ ҳолатда филтрлаш ҳақида айтилади. Агар $t > t_1$ дан катта бўлса, унда трансляция (олдиндан айтиш) тўғрисида гапириш қабул қилинган.

Баҳолаш масаласини бундай таърифлашнинг яна иккита аспекти кўратиш лозим.

Улардан бири бирмунча яхши баҳолаш терминини қўллаш билан боғлиқ. Оптималликни аниқлаш конкрет масаланинг мазмунига кўра ўзгаради ва ҳар бир хусусий масала учун янгидан киритилиши шарт.

Бошқа аспекти эса ўлчашлар билан боровчи кириш тизимлари ва ҳалакит берувчиларига хос жараёнларнинг хоссаларини баҳолаш алгоритмига боғлиқ характерланади. Тизимнинг ҳолатини бундай сигналлар ҳалакит қилувчилар хосслари тўғрисидаги маълумотларсиз идентификация қилинмайди.

Шундай қилиб, баҳолаш масаласининг бу каби ифодаланиши кўриб чиқилаётган тизимлар ва маълумотларга кириш сигналлари ҳақидаги айрим априор ахборотларнинг мавжудлигини, камида кириш жойидаги шовкин ҳамда ўлчов шовқинининг айрим статистик характеристикалари тақозо этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, баҳолаш масаласи тасодифий шовкин мавжудлигида эҳтимоллик характеризга бўлади. Эҳтимоллик жиҳатидан қарасла барча ахборотлар тасодифий катталиқнинг қийматларини баҳолаш учун зарур бўлиб, бу катталиқнинг эҳтимоллик зичлигининг функцияларида сақланади.

Агар таосдифий жараённинг шартли эҳтимоли маълум бўлса, бу жараённинг статистик характеристикалари тўғрисидаги ҳар қандай саволларига жавоб бера олиши мумкин.

Эҳтимоллик назариясининг терминологиясидан фойдаланиб, турлича даражаларини ёки

баҳолашнинг муаммолари тартибини ажратиш бўлиш мумкин ва уларнинг ҳар бири кўриб чиқиладиган жараённинг статистик характеристикалари ҳақидаги маънавий маълумотларни талаб қилиши мумкин. Шундай қилиб, куйидаги даражаларни киритиш мумкин:

1. Нулли тартибни баҳолаш: бу даража кўриладиган жараённинг фақат биринчи моментлари қийматини тавсия этади.

2. Биринчи тартибни баҳолаш: бундай типда баҳолаш биринчи ва иккинчи тартиблар моментларини билишни талаб қилади; бу шароитда ҳаққоний динамик модел тақозо этилиб, масаланинг ечими бирмунча яхшироқ чиқиш баҳолашга олиб келади.

3. Олий баҳолаш тартиби: бу ерда анча юқори тартибнинг маълум бўлган моментларини тақозо этиб, ҳозирги вақтда бу типдаги баҳолашга хос бўлган нисбатан кам натижаларга эга.

4. Априор ахборотлар тўлиқ ҳолатдаги баҳолаш: бундай ҳолатда барча тартибларнинг маълум бўлган моментлари тақозо этилади; гаусс жараёнларида бу шуни маълум қиладики, албатта фақат биринчи ва иккинчи тартибларнинг моментлари берилади.

Келтирилган таснифланишда кўриниб турибдики, оптимал баҳолаш синтези масаласи қийин ҳал этилади, қачонки шундай ҳолатлар бўладики, бунда кўриладиган жараёнлар гауссча жараёнлар ҳисобланиб, фақат чиқиш баҳолашни топишга талаб қилинади. Бундай баҳолаш қийматни кузатиш натижасида олинган чиқиш комбинация ҳисобланади. Оптималлик мезони сифатида чиқиш баҳолаш одатда ўртача квадратли хатолик минимумини танлайди.

Силлиқлаш (яқинлаштириш) (текишлаш), интерполяция ва оғоҳлантиувчилик муаммоси автоматик бошқарув билан боғлиқ бўлган кўпгина техникавий ва технологик ўқитиш ечимни вужудга келтиради. Оғоҳлантириш (баҳоратлаш, олдиндан айтиш ва экстраполяция) ва интерполяция масаласи, бир қарашда силлиқлаш (яқинлаштириш) масаласидан фарқ қилсада, расмий тузилмада улар бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Ҳозирги пайтда келишган назария шаклланиб, у силлиқлаш (яқинлаштириш), интерполяция ва баҳоратлаш масалаларининг турлича вариантларини ҳал этади.

Тасодифий жараёнлар ва тасодифий майдон (поля)лар филтрацияси ва оғоҳ этилуви бўйича замонавий адабиётлар етарли даражада кенг бўлиб, таҳлилнинг фойдаланиладиган моделлари ва усуллари етарлича турли-тумандир. Бу ҳолатда, мавжуд масалаларнинг қўйилиши ва уларнинг мумкин бўлган модификациялари аниқланган стохастик дастурлаш ягона нуқтаи-назардан кўриб чиқилади.

Силлиқлаш (яқинлаштириш) ва баҳоратлаш ишларининг катта қисми тахминларга асосланиб, дастлабки тасодифий жараёнлар фойдали сигналлар ва ҳақиқат этилувларни тавсия этиб стациялиридир. Амалда улар сигналлар ва ҳақиқат этилувларнинг статистик хоссалари вақт ўтиши билан ўзгармаслигини аниқламоқда.

Бошқача айтганда, стационарлик тахминлари шуни аниқладики, тасодифий жараёнларнинг статистик қонуниятлари ўтмишда ўрнатилган ҳолати келажакда ҳам сақланиб қолади.

Стациялиар жараёнларни силлиқлаш (яқинлаштириш) ва оғоҳ этилуви усуллари вақт мобайнида секин ўзгарадиган квазистациялиар жараёнлар деб аталувчи статистик характеристикаларнинг умумлаштирилиши ҳам мумкин. Квазистациялиар жараёнларни баҳоратлаш ва филтрлаш назарияси секин ўзгарадиган параметрли силлиқловчи ва оғоҳ этилуви филтрларни қўриш (тузиш) мумкин бўлади.

Тасодифий стациялиар жараёнлар, вақтнинг дискретли моментларида қийматга эга бўлиб, экстраполяцияланиш масаласи куйидаги тарзда ифодаланган. Бунда $f(t)$ тасодифий катталиқ бўлиб, у ҳар бир бутун t интервалда $-\infty < t < \infty$

Агар математик кутилиши

$$m = M[f(t)] = \text{const},$$

ва корреляцияли функция

$$K_{\Delta t} = M[(f(t + \Delta t) - m)(f(t) - m)],$$

t , дан $f(t)$ гача – стациялиарга боғлиқ бўлмайди. Умумийликнинг чегараланмаганлигини шундай қўйиш мумкин

$$m = M[f(t)] = 0, \quad (1.8)$$

ундада

$$K_{\Delta t} = M[(f(t + \Delta t) f(t))].$$

Стациялиар кетма–кетликдаги чизикли экстраполяция масаласи (1.8) шартни кондиради, ҳақиқий коэффициентлар r_i да $n > 0$ ва $\Delta t \geq 0$ кўринишида берилганларнинг чизикли комбинацияси

$$Q[f(t)] = r_1 f(t-1) + r_2 f(t-2) + \dots + r_n f(t-n),$$

тасодифий катталиклар $f(t-1), f(t-2), \dots$, мумкин қадар $f(t + \Delta t)$ асодифий катталikka яқинлаштириб мезон қабул қилинади

$$\overline{\varepsilon_{\mathcal{G}}^2} = M(f(t + \Delta t) - Q[f(t)])^2.$$

